ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
НАМАНГАН ШАҲАР
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR
HOKIMINING
QARORI

«26» 09 2019 йил Наманган шаҳри 1269 - сонли

Наманган шаҳридаги қабристонларда қабр ковлаш хизмати тарифларини тасдиқлаш ҳақида

Шаҳар ҳокимлигининг Молия бўлими ва шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Наманган шаҳридаги қабристонларда қабр ковлаш хизмати тарифларини белгилаш бўйича тақдим қилинган хужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 04.04.2011 йилдаги "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида" ги 101-сонли Қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида" ги Низомнинг 8-банди хамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси томонидан шаҳардаги қабристонларда қабр ковлаш хизмати тарифлари қуйидагича:

14 ёшгача бўлган болалар учун қабр ковлаш тарифи базавий хисоблаш миқдорининг 30 фоизи;

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун қабр ковлаш тарифи базавий хисоблаш миқдорининг 40 фоизи;

18 ёшдан юқори ёшдаги шахслар учун қабр ковлаш тарифи базавий хисоблаш миқдорининг 60 фоизи этиб белгилансин.

2. Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (Х.Ибрагимов) га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 04.04.2011 йилдаги "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида" ги 101-сонли Қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида" ги

Низом талаблари ижросини таъминлаш хамда қабр ковлаш хизматидан тушган маблағлар ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи учун йўналтирилсин.

3. Мазкур қарор “Наманган садоси” газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари А.Бабамирзаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Ш.Абдуразаков**

Rasmiy hujjatlar uchun

ASL NUSXADA TO'G'RI

Ma'rifatli xalq shijoatli bo'lur!
Абдулла АВЛОНИЙ

Namangan SADOSI

33 (1325)-SON. 2019-YIL 11-OKTABR
NARXI KELISHILGAN BAHODA.

NAMANGAN SHAHAR HOKIMLIGINING GAZETASI
web-site: www.namsado.uz ● e-mail: namsado@ umail.uz ● 1994-yil 1-apreldan chiqa boshlagan.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ОЛДИДАН

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттиз саккизинчи сессияси бўлди.

Унда кун тартибидаги биринчи масала - Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 20 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида"ги 944-сонли қарори ижроси ҳақида қисқача ахборот берилди. Ушбу муҳим сиёсий жараён билан боғлиқ бўлган халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясини тасдиқлаш, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига, округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тавсия этиш масалалари муҳокама этилди.

Шундан сўнг шаҳардаги тўртта сектор раҳбарининг 2019 йил 3-чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2019 йил 14 сентябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қўшма қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Абдуллаева ҳамда «Беш муҳим ташаббус» бўйича бажарилган ишлар тўғрисида» шаҳар ҳокимининг ўринбосари Абдулходи Иминовларнинг ахборотлари эшитилди.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

2019 ЙИЛ - ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ



делегацияси аъзоларига вилоят иқтисодий салоҳияти ҳамда мавжуд истиқболли лойиҳаларнинг тақдимоти намойиш этилди. Сўнг 2B ва B2G форматида учрашувлар, ўзаро ҳамкорлик бўйича салоҳиятли лойиҳалар устида музокаралар ташкиллаштирилди.

"Gulf Pioneers" инвестицион компанияси наманганлик фуқароларни Саудия Арабистонида иш билан таъминлаш борасида ҳам ўз таклифини айтди.

Аждодлари водийлик бўлган

ЭЪЗОЗ

ГАЗЕТАМИЗ МУҲАРРИРИ МУНОСИБ ҚАДРЛАНДИ



Афросиёб кўчаси, 60-сонли умумтаълим мактаби биноси

Ҳудуди: Бунёдкор, Мустақиллиқнинг беш йиллиги, Ешлик, Оромгоҳ маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (14527)

6-АХСИКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ

Маркази: Наманган шаҳар, Ахсикент даҳаси, 55-сонли умумтаълим мактаби биноси

Ҳудуди: Ахсикент, Тинчлик, Б.Машраб, Маънавият маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (12481)

ОКРУГИ

Маркази: Наманган шаҳар, Саноатчи кўчаси 53-уй, 31-сонли умумтаълим мактаби биноси

Ҳудуди: Озод, Ғунча, Курашхона, Нурафшон маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (12995)

12-ЯНГИЙЎЛ САЙЛОВ ОКРУГИ

Маркази: Наманган шаҳар, 5-пр. С. Адашев кўчаси 9-уй, 9-сонли умумтаълим мактаби биноси

Ҳудуди: Озод, Янги йўл маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Учқун маҳалла фуқаролар

Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернат биноси

Ҳудуди: Чорсу, Шарқ тонги, А.Темур, Чинор маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Соҳибкор маҳалла фуқаролар йиғинининг бир қисми ҳудудлари чегараларида (13516)

18-ЛОЛА САЙЛОВ ОКРУГИ

Маркази: Наманган шаҳар, Бобуршоҳ кўчаси 161-а уй, Хизмат кўрсатиш коллежи биноси

Ҳудуди: Лола, Қадамжой маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Соҳибкор маҳалла фуқаролар йиғинининг бир

Ҳудуди: Зарафшон, Заркент, Меҳрибонлик маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (10790)

24-ЯНГИОБОД САЙЛОВ ОКРУГИ

Маркази: Наманган шаҳар, Янгиобод кўчаси 46-уй, 25-сонли умумтаълим мактаби биноси

Ҳудуди: Янгиобод, Мажнунтол, Алпомиш маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари

Ғирвон, Қуйи Ғирвон, Боғ маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (13696)

30-ЭЛОБОД САЙЛОВ ОКРУГИ

Маркази: Наманган шаҳар, Улуғбек кўчаси, 77-сонли умумтаълим мактаби биноси

Ҳудуди: Элобод, Ирвадон, Шишаки, Гулобод маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (11431).

2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Шаҳар сайлов комиссияси раиси: З. ДЖАМАЛОВ.

Наманган шаҳри. 2019 йил 7 октябрь.

ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Наманган шаҳридаги қабристонларда қабр ковлаш хизмати тарифларини тасдиқлаш ҳақида

Шаҳар ҳокимлигининг молия бўлими ва шаҳар ободонлаштириш бошқармаси томонидан Наманган шаҳридаги қабристонларда қабр ковлаш хизмати тарифларини белгилаш бўйича тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 8-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси томонидан шаҳардаги қабристонларда қабр ковлаш хизмати тарифлари қуйидагича:

14 ёшгача бўлган болалар учун қабр ковлаш тарифи базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи;

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун қабр ковлаш тарифи базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи;

18 ёшдан юқори ёшдаги шахслар учун қабр ковлаш тарифи базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 фоизи этиб белгилансин.

2. Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси (Х.Ибрагимов) томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 101-сонли қарори билан тасдиқланган "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари ижроси таъминлансин ҳамда қабр ковлаш хизматидан тушган маблағлар ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи учун йўналтирилсин.

3. Мазкур қарор "Наманган садоси" газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари А.Бабамирзаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими Ш. АБДУРАЗАКОВ.

Наманган шаҳри. 2019 йил 26 сентябрь.

ТАДБИР

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА

Физика-математика фанлари номзоди Адҳамжон Ўринов умрининг қарийб 40 йилга яқинини мураббийлик касбига бағишлаган. Ҳаёт йўли билан барчага ибрат бўла олувчи устоз меҳнат фаолиятини Наманган муҳандислик-технология институтида бошлаб кўплаб талабаларга илм сирларини ўргатди.

У ҳар бир ишга масъулият билан ёндошди, жамоада ўз ўрнига эга бўлди. Мана, 10 йилга яқин вақт мобайнида Наманган муҳандислик-технология институти академик лицейида раҳбар бўлиб ишламоқда. Устоз раҳбарлик қилаётган бу даргоҳда 70 нафарга яқин профессор-ўқитувчи 600 нафардан ортиқ ўқувчиларга илм сирларини ўргатмоқда.

Академик лицейни тамомлаётган битирувчиларнинг 300 нафардан ортиғи мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларидан ташқари, кунчиқар юрт бўлмиш Япониядан тортиб Австралия, АҚШ, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари, Европадаги энг нуфузли билим даргоҳларида таълим олишмоқда.

Академик лицей жамоаси 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар кунини алоҳида тантана билан нишонлашди. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Мирзаолим Муродиллаев, касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти раҳбари Жамила Сотиболдиевалар бошчилигида ташкил этилган байрам тадбири барча устоз - мураббийларга бирдек манзур бўлди. Шодиёнага академик лицей жамоаси билан биргаликда бу ерда узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда нафақада бўлган устозлар ҳам таклиф этилди. «Бир пиёла чой» устидаги суҳбат самимий руҳда кечди. Хушовоз хонанда Жалолиддин Усмонов томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар барчанинг кўнглига хуш кайфият улашди.

Ўқув йили давомида яхши натижаларга эришган ўқитувчилар ва нафақадаги мураббийларга эсдалик совғалари топширилди.

Улуғбек МУСАБЕКОВ.